ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.09.11-22 «ҚУРУҚ МАЪДАНЛИ ЎҒИТЛАР ВА ЎСИМЛИКЛАРНИ КИМЁВИЙ ҲИМОЯЛАШ ВОСИТАЛАРИ ОМБОРЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 14 августда ҳисобга олинди, ҳисоб рақами 272]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 мартдаги ПФ-5963-сон «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сон «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.09.11-22 «Қуруқ маъданли ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари омборлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 1996 йил 6 ноябрдаги 102-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.09.11-97 «Қуруқ маъданли ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари омборлари» қурилиш меъёрлари ва қоидалари;

Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2017 йил 28 апрелдаги 142/1-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.09.11-97 «Қуруқ маъданли ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари омборлари» қурилиш меъёрлари ва қоидаларига киритилган 1-сон ўзгартиришлар.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир биринчи ўринбосари С. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 июль,
01/2-34-сон
Келишилди:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири
И. АБДУРАҲМОНОВ

2024 йил 12 июль

Қишлоқ хўжалиги вазири А. АБДУХАКИМОВ

2024 йил 1 июль

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 18 июнь

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси
Б. ЮСУПАЛИЕВ

2024 йил 14 июнь

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2024 йил 25 июлдаги 01/2-34-сон
буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.09.11-22 «Қуруқ маъданли ўғитлар ва ўсимликларнинг кимёвий ҳимоялаш воситалари омборлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган қуруқ маъданли ўғитлар, ўсимликларнинг кимёвий ҳимоялаш воситалари (бундан буён матнда пестицидлар деб юритилади) омборларини лойиҳалашга оид талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚнинг талаблари ўткир таъсир қилувчи заҳарли моддалар омборларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Ушбу ШНҚда қуйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар келтирилган:

ШНҚ 2.01.19-22 «Портлаб-ёниш ва ёнғин хавфи бўлган хоналар, бинолар ва ташқи қурилмалар тоифаларини аниқлаш»;

ШНҚ 2.01.02-04 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги»;

ШНҚ 2.09.02-19 «Ишлаб чиқариш бинолари»;

ШНҚ 2.09.04-09 «Маъмурий ва маиший бинолар»;

ШНҚ 2.09.17-21 «Саноат корхоналарининг бош режаларини лойиҳалаш»;

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар. Лойиҳалаш меъёрлари»;

ШНҚ 2.04.09-07 «Бино ва иншоотларнинг ёнғин автоматикаси»;

ШНҚ 2.09.21-22 «Ёнғин-қутқарув деполари ва постлари»;

ШНҚ 2.04.02-19. «Сув таъминоти. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар»;

ШНҚ 2.04.07-22 «Иссиқлик тармоқлари»;

ШНҚ 2.03.13-24 «Поллар»;

ҚМҚ 2.03.11-96 «Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоя қилиш»;

ШНҚ 2.09.01-19 «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бош режалари»;

ҚМҚ 2.04.01-98 «Бинолар ички водопроводи ва канализацияси»;

ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, вентиляция ва кондициялаш»;

ҚМҚ 2.04.13-99 «Қозонхоналар қурилмалари»;

ШНҚ 2.04.17-19 «Турар жой ва жамоат биноларини электр жиҳозлари»;

ҚМҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритиш»;

Электр ускуналарининг тузилиши қоидалари;

СанҚваН 003-93 «Ўзбекистон аҳоли пунктларини режалаштириш ва ривожлантиришнинг санитария қоидалари ва меъёрлари»;

СанҚваН 035-95 «Атроф муҳит объектлари ва озиқ-овқат маҳсулотларида пестицидларнинг гигиенага оид меъёрлари»;

СанҚваН 0067-24 «Пестицидларни заҳарлилиги ва хавфлилигига кўра таснифларга ажратишга доир гигиеник талаблар»

СанҚваН 2.1.4.1074-01 «Ичимлик сувини марказлаштирилган тартиби. Сувни сифатига бўйича гигиеник талаблар сифат назорати»;

ГОСТ 12.2.012-75 «Ишлаб чиқариш ишлари хавфсизлигини таъминлаш учун қурилмалар».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қуйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилган:

қуруқ маъданли ўғитлар — ўсимликларнинг, ўсиши, тупроқларнинг ҳосилдорлигини оширувчи майда донадор, кристалсимон, кукун, чангсимон кўринишдаги озуқа моддалар;

пестицидлар — зарарли организмларга қарши курашиш учун қўлланиладиган моддалар;

рельсли омбор — темир йўл транспортидан маҳсулотни қабул қилиб олиш ва уни темир йўл транспортига ва автотранспорт воситаларига узатиб беришга мўлжалланган бино.

3. Ушбу ШНҚда қуйидаги қисқартмалар қўлланилган:

СҲҲ — санитария-ҳимоя ҳудудлари;

АМТБ — атроф муҳитга таъсирини баҳолаш.

3-боб. Умумий қоидалар

4. Темир йўл транспорти ва сув орқали кемаларда келтирилган қуруқ маъданли ўғитлар (кейинги ўринларда ўғитлар деб юритилади) ҳамда пестицидларни омборларга қабул қилиб олиш, уларни ташувчи транспортларга узатиб бериш қулай бўлиши учун омборхона биноларини темир йўл ёки бандаргоҳ (пристан)ларга яқин жойда жойлаштирилиши лозим.

5. Ўғитлар ва пестицидлар омборларининг лойиҳалари қурилиш майдончасининг табиий иқлим, муҳандислик-геологик шароитларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилиши лозим.

Ўғитлар ва пестицидлар омборларини қуриш ва лойиҳалаш СанҚваН 0003-93 ҳамда СанҚваН 0006-20, СанҚваН 0067-24 талабларига мувофиқ амалга ошириш лозим.

6. Ўғитлар ва пестицидлар омборларини аҳоли пунктларининг санитария-ҳимоя зоналаридан ташқарида жойлаштириш керак.

7. Ўғитлар ва пестицидлар омборларини муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, сув ҳавзаларининг санитария-ҳимоя зоналарида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

8. Янги ёки реконструкция қилинаётган ўғитлар хамда пестицидлар омборларини ШНҚ 2.09.02-19 талабларига мувофиқ жойлаштириш ва лойиҳалаштириш лозим.

9. Қуриш ҳамда ишга тушириш жараёнида кам чиқиндили ёки чиқиндисиз технологиялар, шунингдек зарарли чиқиндилар ва чиқиндиларни ушлаб қолиш, зарарсизлантириш хамда йўқ қилиш чораларини қўллаш орқали ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини камайтириш чораларини кўриш керак.

10. Ўғитлар ва пестицидлар омборлари бино ва хоналарининг тоифалари ШНҚ 2.01.19-22 талабларига мувофиқ ҳисоб-китоблар асосида лойиҳанинг технологик қисмида белгиланиши керак.

11. Ўғитлар ва пестицидлар омборларининг оловбардошлик даражаси, ёнғин хавфлилигининг синфи ШНҚ 2.01.02-04 талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

12. Ўғитлар ва пестицидлар омборларини кучсиз ёнувчи Ё1 материаллардан лойиҳалаш ШНҚ 2.01.02-04 талабларига мувофиқ амалга оширилиши зарур.

13. Ўғитлар ва пестицидлар омборлари (эстакадалар, галереялар, каналлар, бункерлар, силослар, туннеллар) ШНҚ 2.09.02-19 га мувофиқ лойиҳалаш керак.

14. Ўғитлар ва пестицидларни оммавий сақлаш учун омборлар бункер ва гумбаз кўринишида бўлиши лозим.

15. Бункер омборларини вертикал ҳажмли, думалоқ (силос) ёки тўртбурчак кесимли ҳамда унинг баландлигига тенг ёки кенглиги (диаметри) дан каттароқ бўлишига йўл қўйилади.

Бункерлар темир-бетон ёки пўлатдан тайёрланиши, унга озиқалар юқоридан камар конвеер ёрдамида тушириш мосламасидан фойдаланмасдан амалга оширилиши керак.

Бункер омборлари кам миқдордаги ўғитларни сақлаш учун мўлжалланган бўлиб, бир неча минг тоннали қилиб лойиҳаланиши лозим.

16. Замонавий қурилиш технологиялари қуйидагиларни таъминлаши керак:

деворларнинг юқори юк кўтариш қобилиятини (деворларга ашёларни 10 метрдан ошиқ баландликда тўплаш ҳамда сақлаш ҳажмининг юқори қийматларига эришиш имконини бериши);

кўчма демонтаж ва йиғиш имконини беришини.

18. Ўғитлар ва пестицидлар учун мўлжалланган омборлар биноларининг умумий майдони ташқи деворлар (ташқи деворлар проекцияси бўйича), туннеллар, майдончалар, антресоллар, рампалар ва биноларга ўтиш жойларини (ер устидаги ва ертўла қаватларини ҳисобга олиб) майдонларининг умумий йиғиндиси сифатида аниқланиши зарур.

19. Идишларга жойлаштирилмаган ўғитларни павилион кўринишидаги омборларнинг полида уюм (тўплам) кўринишида жойлаштиришга йўл қўйилади.

20. Рельсли омборларда бўлинмаларнинг энини камида 9,0 m, тарқатиш жойида эса камида 4,5 m бўлиши керак.

21. Ўғитларни алоҳида сақланишини таъминлаш учун идишларга жойланмаган ўғитларнинг ҳар бир турини ёки бир неча силос банкаларда, бункерларда ёки павильон кўринишидаги омборларнинг бўлинмаларида жойлаштириш лозим.

22. Ўғитлар уюми (тўплами)нинг сирти омбор томёпмасининг тагидан 0,2 m пастга қилиб жойлаштириш керак.

23. Ўғитлар ва пестицидларни омборларда жойлаштиришда мазкур ШНҚнинг 1 ва 2-иловаларида келтирилган талабларга мувофиқ амалга ошириш лозим.

24. Идишларга жойланган ўғитларни ясси (текис) ёки устунсимон ишлаб чиқариш идишида омборнинг полида ёки жавонларда жойлаштириш керак.

25. Омборлардан тарқатиш жойларида қопларга жойланган ўғитларни ишлаб чиқариш идишларидан фойдаланмасдан тахланишини инобатга олиб лойиҳаланиши зарур.

26. Ўғитлар ва пестицидлар учун омбор биноларини лойиҳалашда мазкур ШНҚдан ҳамда ШНҚ 2.01.02-04 да белгиланган ёнғинга қарши талабларга риоя қилиниши лозим.

27. Контейнерларга жойланган ўғитларни (аммиакли селитра бундан мустасно), очиқ майдончаларда сақлашга йўл қўйилади.

28. Идишларига жойланган ёки жойланмаган аммиакли селитра ёпиқ омборларда сақланиши зарур.

29. Аммиакли селитра ёки бошқа портлаш ва ёнғиндан хавфли ўғитлар билан ишлар бажариладиган омборларда қуйидаги ёнғин хавфсизлигини таъминловчи талабларни инобатга олган ҳолда лойиҳаланиши керак:

двигателларнинг тутин чиқарувчи қувурларини учқун ўчиргичлар билан жиҳозлаш;

очиқ алангаланадиган ўғитлардан фойдаланиш имкониятини чеклаш;

ишларни бажариш жойларини ёнғинни ўчиришни бирламчи воситалари билан жиҳозлаш.

30. Аммиакли селитранинг ғарамлари ва бўлинманинг деворлари орасидаги кенглик 1,0 m дан кам бўлмаслиги керак.

31. Ўғитлар ва пестицидлар омборларида ишловчи ишчи, хизматчи ходимлар учун ёрдамчи-маъмурий ва маиший бинолар ва хоналар ШНҚ 2.09.04-09 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

32. Чуқурсимон омборларда ишловчиларнинг сони бир семенада 25 кишидан ортиқ бўлмаганда, иситилмайдиган ҳожатхона ва омбор биносида ишчиларни кийимларини сақлаш учун шкафлар ҳамда қўл ювгичлар лойиҳаланиши керак.

33. Чанг ҳосил бўладиган омборлар, бинолар, иншоотлар, шунингдек ўғитларни аралаштириш жойлари автомобил ва темир йўллардан (кириш йўллари бундан мустасно) камида 60 m масофада ва шамолнинг асосий (устувор) эсиш йўналишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш керак.

34. Очиқ ҳолда ўрнатиш мумкин бўлган технология ва энергетикага оид асбоб-ускуналарни (аралаш ўғитлар тайёрлайдиган асбоб ускуналарни ўрнатиш, ортилган юкларни тушириш ва юкларни ортиш қурилмалари) ўрнатиш учун очиқ майдончалар бўлиши лозим.

35. Ўғитларни уюм кўринишида ва идишда сақлаш учун омбор биноларини, зичланмайдиган ўғитларни (доналанган ўғитутлар, фосфорит, оҳактош, доломит уни ва бошқаларни) сақлаш учун эса силос ва унинг қутиларини лойиҳалаш керак.

36. Чуқурсимон омборларда зичланмайдиган ўғитларни (фосфорит, оҳактош ёки доломит уни) 1000 t дан ортиқ бўлмаганда, омбор биносининг алоҳида хонасида сақлаш лозим.

37. Омборхоналарда ўғитларнинг тури ва сақлаш усулига боғлиқ равишда ички пардеворлар билан икки қисмга бўлишга йўл қўйилади.

38. Пестицидлар учун омборхона майдони 500 m^2 гача бўлганда ўғитлар учун омбор бинолари лойиҳаланиши керак.

39. Пестицидларни катта майдонда сақлашда уларни сақлаш учун алоҳида омбор бинолари лойиҳаланиши, бунда 0 °С дан юқори ҳароратларда сақланиши лозим бўлган пестицидлар учун иситиладиган омборхоналар бўлиши лозим.

40. Пестицидлар омборларидаги барча шийпонлар ёнмайдиган материаллардан лойиҳаланиши керак.

41. Аммиакли селитрани сақлаш учун омбор бинолари бир қаватли ва оловбардошлик даражаси II дан кам бўлмаслиги лозим.

42. Аммиакли селитра учун омборхоналарда бошқа моддалар ва материалларни сақлашга йўл қўйилмайди.

43. Қопланган аммиакли селитранинг ғарамларини умумий оғирлиги 700 t дан ошмаслиги лозим.

Техникалар ўтиши учун ғарамлар орасидаги масофа 1,5 m, ўтиш жойлари 1,0 m дан кам бўлмаслиги керак.

44. Ўғитлар ва пестицидларни хоссалари бўйича тегишли бўлимларда жойлаштириб лойиҳаланиши, бунда ҳар бир бўлимда пестицид ва ўғитларни вазифаси, номланиши, препаратлик шаклига кўра сақланиши лозим.

45. Омборларни лойиҳалашда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

омбордаги технологияга оид жараёнларни комплекс механизациялаш;

нохуш санитария шароитларини вужудга келтириши мумкин бўлган (идишлар, асбоб-ускуналар, поллар ва тўсувчи қурилмаларни ювишда) хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омилларининг манбалари ҳисобланувчи чиқиндиларни ўз вақтида чиқариб ташлаш ва зарарсизлантириш.

4-боб. Омборларнинг бош режаси

46. Омборларнинг ер майдони ва мавжуд бўлган объектларни кенгайтириш учун ер майдонида қуйидагилар ҳосил бўлишини ҳисобга олган ҳолда режалаштириш керак:

аэроиқлим хусусиятлари;

ҳудуднинг релефи;

табиий шамоллатилиши;

атмосферада ташламаларнинг тарқалиши;

туман ва атмосфера ҳавоси ифлосланишининг даражалари.

47. Қониқарсиз аэроиқлим шароитга эга бўлган ҳудудларда ушбу ШНҚнинг 1-жадвалида келтирилган I ва II-синф корхоналарини СанҚваН 0350-2017, СанҚваН 0067-24 га мувофиқ жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

48. Санитар ҳимоя ҳудуди (бундан буён матнда СҲҲ деб юритилади) ўлчамлари ҳамда ишлаб чиқариш синфлари СанҚваН № 0350-17, СанҚваН 0067-24 га мувофиқ олиниши керак.

49. Корхоналарни реконструкция қилиш пайтида улар аҳоли турар жойларига яқин жойлашганда СҲҲлар ҳажмини техник-иқтисодий асослантирган ҳолда ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилади.

50. Ўғитлар ва пестицидлар рельсли (темир йўл) ва бандаргоҳ (порт) омборларининг бош режаларини лойиҳалаш ШНҚ 2.09.17-21 га мувофиқ бўлиши лозим.

Чуқурсимон омборларнинг бош режаларини ШНҚ 2.09.01-19 га мувофиқ лойиҳалаш керак.

51. Ўғитлар ва пестицидлар сақланувчи омборларни лойиҳалашда турар жойлар, маъмурий ва саноат биноларини шамол йўналишига тескари қилиб жойлаштириш, бунда ўғитлар ва пестицидларнинг ҳидлари ушбу биноларга шамол орқали тарқалмаслиги лозим.

52. Ўғитлар ва пестицидлар омборлари, бинолари ва иншоотларининг орасидаги масофалар оловбардошлик даражасига боғлиқ ҳолда ШНҚ 2.09.01-19 га мувофиқ қабул қилиш лозим.

53. Омборхона биноларининг ташқи деворларини периметри бўйича нишаб йўлка (отмостка)нинг эни, бино том ёпмасини деворидан консол қилиб чиқарилган қисмининг энини 0,3 m, нишаблигини эса 0,05 — 0,1 бўлган тўшамалар лойиҳаланиши лозим.

54. Рельсли (темир йўл) омборларида пестицидлар ва ўғитларни қабул қилиш майдонини жойлаштиришда, шийпоннинг остида ушбу майдондан ва унга туташган ҳудуддан (йўлкадан) эни 15 m бўлган ёмғир сувлари чиқариб юборадиган канализация қувури бўлиши лозим.

55. Ўғитлар ва пестицидлар омборхоналари лойиҳасининг бош режасини ишлаб чиқишда ШНҚ 2.09.01-19 га мувофиқ АМТБ инобатга олиниши лозим.

56. Суперфосфат ўғитлар сақланувчи омборларнинг СҲҲ масофаси СанҚваН 0350-17 ва СанҚваН 0067-24 ҳамда қуйидаги 1-жадвалга мувофиқ аниқланиши керак.

1-жадвал

Т/р	**Объектлар**	**СҲҲ, m**	**Синфи**
1.	Омборлар: кимё ишлаб чиқариш иншоотлари ва объектлари	1000	I
2.	суперфосфат ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналар	1000	I
3.	пестицидлар ишлаб чиқарувчи корхоналар	1000	I
4.	500 тоннадан ортиқ заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш учун	500	II
5.	50 тоннадан ортиқ заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш учун	300	II
6.	ўғитлар ва 50 тоннадан ортиқ заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш учун	300	III
7.	фосфорли (апатит) концентратларни тушириш жойлари ва 150 минг.t/йил фосфорли ун учун мўлжалланган очиқ омборлар	300	III
8.	ўғитлар ва 50 тоннагача заҳарли кимёвий моддаларни сақлаш учун омборлар ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари учун омборлар	100	IV

57. Ўғитлар ва пестицидларни сақлаш бўйича омбор бинолари ва иншоотларидан корхоналар ва бошқа объектларни бино ва иншоотларигача бўлган масофа СанҚваН 0035-95 га ҳамда СанҚваН № 0006-20, СанҚваН 0067-24 га мувофиқ аниқланиши лозим.

58. Ўғитлар ва пестицидлар омборларининг бинолари ва иншоотларини жойлаштиришни санитария, ёнғин, зилзила, экология ва технология ҳамда майдончанинг иқлимий ва рельеф шароитларини ҳисобга олиб белгиланиши керак.

5-боб. Ҳажмий-режалаштириш ва конструктив ечимлар

59. Ўғитлар ва пестицидлар учун омбор биноларини бир қаватли, эни ва баландлиги бир хил бўлган параллел жойлашган тархда тўғри тўртбурчак шаклида лойиҳалаш лозим.

60. Омборхона биноларининг ўзаро баландликларидаги фарқ 1,2 m дан кам бўлмаслиги керак.

61. Кўп қаватли омбор биноларини лойиҳалаштириш техник-иқтисодий асосланган бўлиши зарур.

62. Бир қаватли омбор биноларини лойиҳалашда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

оралиқлари 12 m, 18 m ва 24 m, пестицидлар учун биноларда оралиқ 6 m;

таянчлар (устунлар) қадам оралиғи 6 m, четки қатор бўйича 3 m;

баландликлар (полдан таянчдаги юк кўтарувчи қурилманинг тагигача) 6 m, 8,4 m ва 10,8 m;

аммиакли селитра учун (тагликсиз махсус қопларда сақланганда) ва пестицидлар учун омбор биноларида 3,6 m;

ўғитлар учун майдони 1200 m^2 дан ортиқ бўлмаган омбор биноларини баландлиги 4,8 m.

63. Ташқи ва ички юк кўтарувчи деворларнинг материаллари техник топшириққа асосан қабул қилиниши лозим.

64. Омбор биноларининг, асбоб-ускуналарнинг ҳажмлари ва ўғитлар ҳамда пестицидларни тахлаш, омборларнинг ичида ҳаракатланувчи механизмларнинг баландликлари ШНҚ 2.09.02-19 га мувофиқ бўлиши лозим.

65. Ўғитлар ва пестицидларни сақлаш биноларининг ёнғинга қарши деворлар оралиғи ШНҚ 2.09.21-22 ҳамда қуйидаги 2-жадвалга мувофиқ бўлиши лозим.

2-жадвал

Омборлар тоифаси	Оловбардошлик даражаси	Бинолардаги ёнғинга қарши деворлари орасидаги қаватнинг майдони, m^2		
		бир қаватли	икки қаватли	кўп қаватли
А	II	2500		
Б	II	3500		
В	II	5000	3500	2500 (3)
	III	1500	1000	
	IV	1000	500	
	V			
Д	II	чекланмаган		
	III	2500	1500	
	IV	1000	500	
	V			

Изоҳ. Ушбу жадвалда келтирилган қавс ичидаги сон йўл қўйилган энг кўп қаватлар сонини билдиради.

66. Омбор биноларидан одамларни эвакуация қилиш йўллари (эвакуация чиқишларнинг сони ва жойлашуви, иш жойларидан чиқишгача бўлган масофа, ўтиш жойлари, йўлаклар, эшикларнинг ўлчамлари) ШНҚ 2.01.02-04 ва ШНҚ 2.09.02-19 ларга мувофиқ қабул бўлиши керак.

67. Омборчи, ҳисобчи (бухгалтер) ва операторларнинг иш жойларини ўғитлар ва пестицидлар сақлаш технологиясининг талаблари асосида бевосита омборхоналарда жойлаштириш ва баландлиги 1,8 m ойнали пардадеворлар билан тўсилган бўлиши лозим.

68. Ўғитлар ва пестицидлар учун омборхоналарининг портлаш ва ёнғин хавфи тоифалари ШНҚ 2.01.19-22 га мувофиқ аниқланиши керак.

69. ШНҚ 2.01.19-22 га мувофиқ «А» ва «Б» тоифали омборхоналарни ертўла ва ярим ертўла (цоколь) қаватларида жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

«В» тоифали ертўла ва ярим ертўла қаватлари автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиши, бунда ушбу қаватларнинг майдони 3000 m^2 дан ошмаслиги керак.

70. Аммиакли селитра учун омбор биноларининг юк кўтарувчи конструкцияларини темир-бетондан лойиҳалаш керак.

Аммиакли селитра омбор биноларини ёғоч конструкциялардан лойиҳалашга йўл қўйилмайди.

71. Натрийли ва кальцийли селитраларни ҳамда ёғоч қурилмаларни ушбу ўғитлар билан бевосита туташувига йўл қўйилмайди.

72. Пестицидлар учун иситиладиган омбор бинолари ва хоналарининг деворларини, енгил бетонлар (серғовак ва ғовак) ҳамда ғишт ва табиий тошдан лойиҳалаш керак.

73. ШНҚ 2.01.19-22 га асосан портлаб-ёнувчи ва ёнувчан пестицидларни сақлаш учун омборхоналар конструктив ёнғин хавфи К0 синфли ва бошқа хоналарни оловбардошлиги EI45 дан кам бўлмаган деворлари билан ажратилган бўлиши ҳамда ушбу деворлардаги эшикларнинг оловбардошлиги EI30 дан кам бўлмаслиги зарур.

74. Аммиакли селитрани (сувга чидамли нитрат бундан мустасно) 1500 t дан ортиқ бўлмаган миқдорда сақлаш учун омборхоналарни бошқа хоналардан, шунингдек ўғитлар ва пестицидлар учун мўлжалланган омборхоналарни ёнмайдиган материаллардан ишланган яхлит (дарчаларсиз) оловбардошлиги R45 дан кам бўлмаган тўсиқлар билан ажратилиши керак.

75. Оловбардошлик даражаси IV ва ёнғиндан хавфлилик синфи С2 бўлган бир қаватли омборларда умумий майдони 300 m^2 дан ортиқ бўлмаган «А» ва «Б» тоифали хоналарни жойлаштиришга йўл қўйилиши, бунда ушбу хоналар ёнғинга қарши 1-турдаги тўсиқлар ва 3-турдаги ораёпмалар билан ажратилиши лозим.

76. Омбор биноларининг томига тўсиқлар, ёнғин нарвонлари ва томга чиқиш йўллари ШНҚ 2.09.02-19 га мувофиқ бўлиши керак.

77. «А» ва «Б» тоифаларга мансуб биноларда енгил олиб (ечиб) қўйиладиган тўсувчи конструкцияларни лойиҳалаш лозим.

Енгил олиб қўйилувчи конструкциялар сифатида дераза ойналари ва фонарлардан фойдаланилиши, бунда ойнаванд майдон етарли бўлмаганда пўлат, алюминий листлар билан қопланган конструкциялар ва совуқ ўтказмайдиган материаллардан бўлиши керак.

78. Бир қаватли, оловбардошлик даражаси II ва III бўлган, кўп қаватли жавонлари билан жиҳозланган омбор биноларида ёнғин вақтида тутунни чиқариб ташловчи қурилмалар, шахталар ҚМҚ 2.04.05-97 га мувофиқ бўлиши керак.

79. ШНҚ 2.09.21-22 талаблари мувофиқ ёнғин хавфлилиги Ё3 ва Ё4 гуруҳларига мансуб материаллардан тайёрланган ёруғлик ўтказувчи элементли зенит фонарлари, оловбардошлик даражаси I, II ва III, ёнғин хавфлилик синфи С0 бўлган биноларда «Г» ва «Д» тоифадаги хоналарда ва майда шағалдан иборат ҳимоя қатлами бўлган материал қўлланилиши лозим.

Бундай фонарларнинг ёруғлик ўтказувчи элементларининг майдони умумий қопламали майдоннинг 15 фоиздан ошмаслиги керак.

80. Аммиакли селитрани 1500 t дан кўп бўлмаган миқдорда сақлаш учун омборхоналарни (сувга турғун бўлган селитра бундан мустасно) бошқа хоналардан, ўғитлар ва пестицидлар учун омборхоналардан, яхлит (дарчаларсиз) ёнғинбардошлиги камида 0,75 бўлган ёнмайдиган пардеворлар билан ажратишга йўл қўйилади.

81. Ўғитлар учун омборхоналарни қисмларга ёки ўғитлар уюмининг ушбу хоналарни ташқи деворларидан ажратувчи пардеворлари ёғочдан, селитра учун омборхоналарда эса темир-бетондан лойиҳалаш керак.

82. Пардеворлар баландлиги 0,6 m га каррали ва ушбу пардеворлар олдидаги ўғитлар ғараминиг баландлигидан камида 0,2 m га ортиқ бўлиши лозим.

83. ШНҚ 2.09.17-21 га асосан ўғитлар ва пестицидлар учун иситилмайдиган омбор биноларининг том ёпмаларини тўлқинсимон профнастил, рулонли тўлқинсимон тунука материаллардан (панжара тахталар ёки стропилалар бўйича) тахталар орасидаги бўйлама ва кўндаланг бирикмаларни зичлаш билан лойиҳалаш лозим.

84. Ички ҳавонинг мусбат ҳароратларида сақланиши лозим бўлган пестицидлар учун иситиладиган омбор бинолари ва хоналарининг том ёпмаларини совуқ ўтказмайдиган (теплоизоляция) материаллардан лойиҳалаш лозим.

85. Ўғитлар ва пестицидлар учун омбор биноларини ички новларсиз энини 72 m дан ортиқ бўлмаган қилиб лойиҳалаш керак.

Том қопламасининг чиқармаси (ташқи деворлар сиртидан) камида 0,3 m, ўғитлар ташқи деворлар билан туташувчи биноларда эса камида 0,7 m бўлиши лозим.

86. Ўғитлар ва пестицидлар учун омбор биноларининг полларини лойиҳалаш ШНҚ 2.03.13-24 га ҳамда мазкур ШНҚнинг талабаларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

87. Агрессив муҳитга эга хоналардаги полларнинг кимёвий чидамли қопламалари учун материаллар ҚМҚ 2.03.11-96 га мувофиқ танланиши лозим.

88. Ўғитлар учун (аммиакли селитра бундан мустасно) омбор биноларининг полларини асфальт-бетондан лойиҳаланиши, аммиакли селитра учун эса омбор биноларида кислотабардош қопламали учқун ўтказмайдиган поллар бўлиши керак.

89. Пестицидлар учун омборхоналардаги поллар кислоталар ва ишқорлар эритмалари таъсирига чидамли бўлиши лозим.

Пестицидлар учун хоналарда асфальт-бетонли полларни лойиҳалашга йўл қўйилади.

90. А, Б ва В тоифаларига оид бино ва иншоотлар, шунингдек ўғитлар ва пестицидлар омборларини бошқа бино ва иншоотларга нисбатан шамолга тескари қилиб жойлаштириш керак.

Аммиакли селитра учун омборхоналарда чуқурчалар, сунъий ариқлар, новлар полдаги бошқа чуқурликларни қуришга йўл қўйилмайди.

91. Ўғитлар ва пестицидлар учун омбор биноларини сатҳи қурилиш майдончасидаги сизот сувларининг хавфли капилляр кўтарилиш сатҳидан ва биноларга туташувчи қисмларини режалаштирилган сатҳдан камида 0,2 m га юқори бўлиши керак.

92. ШНҚ 2.03.13-24 га мувофиқ пестицидлар учун мўлжалланган омборхона полининг сатҳи юк платформа (рампа)ларига эга бўлган биноларда ўғитлар учун мўлжалланган омборхоналар полининг сатҳи платформа сатҳидан 0,02 m юқори бўлиши лозим.

93. Ёғингарчиликларни ва тальк сувларини (ёмғир, қор, дул) омборхонага кириб кетишини олдини олиш учун омборхона полининг сатҳи, юк кўтариш платформасининг сатҳидан паст бўлиши керак.

94. Темир йўл транспортини юк кўтариш платформасининг баландлиги 1520 mm изли темир йўл рельсининг юқори қисмининг белгиланган белгиси билан 1,1 m қилиниши лозим.

95. Атомобил транспортини юк кўтариш платформасини баландлигини юк ортиш ёки юкни тушириш майдонига кириш йўлининг юзидан 1,2 m тенг қилиб лойиҳаланиши керак.

96. Темир йўл рельсли омборларидаги суюқ агрохимикатларни қуйиш жой (пункт)лари қуйидагилар билан тўлиқ таъминланиши керак:

юқори қуйилиш жойларида эстакаданинг баландлиги 3,5 m;

эни 1,5 m дан кам бўлмаслиги, бунда унинг узунлиги:

битта қўйилиш устунли бўлса 6 m дан кам бўлмаган;

икки ва ундан юқори қўйилиш устунли бўлганда устунларнинг ҳар томонидан оралиқ масофалари 3 m дан ошмаган.

97. Эстакадаларни ўрнатишда, темир йўл изларини жойлашувини, унинг ташқи ўлчамларини ва темир йўл цистерналаридан фойдаланишда хавфсизлик талабларига риоя этилиши керак.

98. Ўғитлар учун омборхона биноларини юк кўтарувчи деворларининг капилляр намланишга қарши гидроизоляция лойиҳалаш лозим.

99. Юкли платформаларига (рампаларига) эга биноларда ўғитлар учун омбор хоналарининг полининг сатҳи платформа сатҳидан 0,02 m дан юқори бўлиши керак.

100. Ўғитлар ва пестицидлар учун омбор биноларининг дарвозаларини икки ёқлама очиладиган қилиб лойиҳаланиши лозим.

Ишчи ходимларни эвакуация қилиш ва автомобил транспорти учун мўлжалланган икки ёқлама очиладиган, суриладиган дарвозалар орқали бинодан чиқиш йўналиши бўйича очиладиган эшиклар (остонасиз ёки баландлиги 0,1 m дан ортиқ бўлмаган остонали) бўлиши керак.

101. ШНҚ 2.09.04-09 га асосан ўғитлар учун омборхона биноларидаги деразаларни (пол устида ҳаракатланувчи механизмлар қўлланилганда) ташқи деворнинг юқори қисмида, пестицидлар учун омбор бинолари ва хоналарида эса қатнов йўлларини ёритилишини ҳисобга олиб темирдан ясалган стеллажлар (жавонлар) орасида жойлаштириш лозим.

ШНҚ 2.01.05-19 га асосан табиий ёритилганлик коэффициенти ёнбошдан ёритилишида 0,1 ha тенг қабул қилиниши керак.

102. Пестицидлар учун омборхоналардаги деразаларни камида 20 фоизи очиладиган тавақали қилиб лойиҳалаш керак.

103. Ўғитлар учун омборхона бинолари ва хоналарини техник асослаб берилганда ёритиш тирқишларсиз лойиҳалашга йўл қўйилади.

104. Омбор биноларидаги колонналар ва дарвоза кесакиси нометалл материаллардан бўлганда, транспортларни тўла юк билан интенсив ҳаракатланиши натижасида уларни механик шикастланишларидан ҳимояланган бўлиши лозим.

105. Ўғитлар ва пестицидлар учун мўлжалланган омбор биноларини иншоотларини лойиҳалашда, уларнинг конструкцияларини ШНҚ 2.03.11-96га мувофиқ коррозиядан ҳамда кучли таъсир этувчи агрохимикатларнинг таъсиридан ҳимоя қилиниши керак.

106. Аммиакли селитралар сақланадиган омборларда яхлит омбор биноларида ускуналарга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ишларини хавфсиз бажарилиши таъминловчи майдончалар, шунингдек кўприклар ГОСТ 12.2.012-75 га мувофиқ тўшама ва баландлиги 0,15 m ён деворларга (чеккаларга) эга бўлиши лозим.

107. Ўғитлар учун омборхона биноларига темир йўлларнинг кириши, юк платформалари (рампалари), транспорт воситаларининг ўтиш учун пандусларини ШНҚ 2.09.03-23га мувофиқ лойиҳалаш лозим.

108. Аммиакли селитра омбор биноларида темир йўлларнинг киришига йўл қўйилмаслиги керак.

6-боб. Ёнғинга қарши талаблар

109. Ўғитлар ва пестицидлар омборхоналари учун ШНҚ 2.04.09-07 га мувофиқ автоматик ёнғин ўчириш ва сигнализация воситалари лойиҳаланиши керак.

Майдони 100 m^2 дан 500 m^2 гача бўлган пестицидлар сақлаш учун омборхоналар автоматик ёнғин сигнализацияси билан жиҳозланиши лозим.

110. Майдони 500 m^2 дан ортиқ бўлган омборхоналарда ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ қуйидагилар бажарилиши керак:

алангаланиш ҳарорати 120 °С дан паст бўлганда пестицидларни сақлаш хоналари автоматик ёнғин ўчириш тизими билан жиҳозланиши;

алангаланиш ҳарорати 120 °С дан юқори бўлганда пестицидларни сақлаш хоналари автоматик ёнғин сигнализацияси тизими билан жиҳозланиши;

хонанинг майдони оловбардошлик чегараси камида R45 бўлган деворлар оралиғида аниқланиши.

111. ШНҚ 2.01.02-04 га мувофиқ қадоқланган ўғитларни, аммиакли селитрани сақлаш учун майдони 4000 m^2 гача бўлган омборлар ёнғин сигнализацияси, майдони каттароқ бўлган омборлар автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси билан жиҳозланиши лозим.

112. Омборхоналар автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланганда мазкур ШНҚнинг 2-жадвалида келтирилган қаватлар майдонини 100 фоизга кўпайтиришга йўл қўйилади (оловбардошлик даражаси IV ва V бўлган бинолар бундан мустасно).

113. Ёнғин содир бўлган вақтида автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси ёки ёнғин сигнализацияси ишлаб кетилганда бир вақтнинг ўзида барча ҳаво алмаштириш тизимлари автоматик равишда ўчирилиши керак.

114. Суюқ агрокимёвий моддаларни сақлаш омборларида портловчи газ аралашмалари тўпланиши мумкин бўлган ертўлаларни ва ер ости каналларини ўрнатишга йўл қўйилмайди.

115. Боши берк темир йўллар ва эстакадани лойиҳалашда, ёнғин содир бўлган вақтида цистерналарни ажратилишини таъминлаш учун йўлнинг ҳисобий узунлигини таянч брус томонига 20 m га узайтирилиши керак.

116. Омборлар ҳудуди ва биноларида ёнғинни ўчиришнинг бирламчи воситалари ва ёнғинга қарши ускуналарни жойлаштирилиши ШНҚ 2.09.21-22 га мувофиқ бўлиши лозим.

117. Одамларни ёнғиндан хабардор ва эвакуация қилишни бошқариш тизимлари ШНҚ 2.04.09-07 га мувофиқ бўлиши керак.

7-боб. Сув таъминоти ва канализация

118. Ўғитлар ва пестицидлар омборларининг ички сув таъминоти ва канализация қувурларини ШНҚ 2.04.02-19 ва ҚМҚ 2.04.01-98 ларга мувофиқ лойиҳалаш лозим.

119. Пестицидлар учун омбор бинолари ва хоналарида ишлаб чиқариш тоифасига кўра сув таъминот тизимини ШНҚ 2.04.02-19 га мувофиқ сув қувурлари бўлиши зарур.

120. Омбор жойлашган ҳудудда сув қувурларининг марказлашган тизимлари бўлмаганда, омбор сув қувурларини яқин маҳаллий манбалардан таъминланиши керак.

121. Корхонада сув таъминотининг айланма ҳамда такрорий тизимларини ташкил этиш орқали ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ичишга яроқсиз сувлардан фойдаланилиши, бунда ўғитлар учун омборхоналарда ишлаб чиқариш сув қувурлари назарда тутилмаслигига йўл қўйилади.

122. Омборларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун сувнинг сарфи ва талаб қилинувчи сувнинг эркин босимини технологияга ва асбоб-ускунанинг техник тавсифига мувофиқ қабул қилиш керак.

123. ШНҚ 2.04.02-19 га мувофиқ ишлаб чиқариш сув қувурлари билан жиҳозланган пестицидлар учун омборлар ва бинолари ҳамда хоналарида диаметри 20 mm, таъсир радиуси 30 m ва сочилишдаги босими камида 5 m бўлган (пол ва жавонларни ювиш учун) жўмраклар ўрнатилиши лозим.

124. Омборхона таркибида суюқ аммиак ва консервантлар жойлашганда агрессив суюқликлар хизматчиларга текканда, ушбу суюқликни тезлик билан ювиш учун сувни юқори босимда тез оқизадиган душ ва авария ҳолати учун ҳажми 200 l дан кам бўлмаган сув идиши бўлиши керак.

125. Хизматчиларга аммиак ва консервантлар агрессив суюқликлар тегиш эҳтимоли мавжуд жойларда авария ҳолати учун душлар лойиҳаланиши зарур.

126. Пестицидларни сақлаш учун хоналардаги поллар ва жавонларни, идишлар ва транспорт воситаларини ювишдан ҳосил бўлган ишлаб чиқариш оқова сувларни корхонанинг тозалаш иншоотида нейтраллаштирилиб ва зарарсизлантирилиб, ушбу ШНҚнинг 121-бандида келтирилган тизимларга қайта фойдаланиш учун берилиши лозим.

8-боб. Иситиш ва шамоллатиш

127. Ўғитлар ва пестицидлар учун омбор бинолари ва иншоотларини қуйидагиларга мувофиқ лойиҳалаш лозим:

иситиш ва шамоллатиш ҳавони шамоллатиш ва совитишни — ШНҚ 2.04.05-97 га;

қозонхона қурилмаларини — ҚМҚ 2.04.13-19 га;

иссиқлик тармоқларини — ШНҚ 2.04.07-22 га.

128. Ўғитлар ва пестицидлар омборларининг иссиқлик таъминотини техник иқтисодий асосланганда ҚМҚ 2.04.13-19 га мувофиқ қозонхоналар лойиҳаланишига йўл қўйилади.

129. Пестицидлар 0 С дан юқори ҳароратда сақланадиган омборхоналарда, пестицидлар сифатини текширишга мўлжалланган тажриба ўтказиш хоналари, қадоқлаш ва қайта идишларга жойлаш хоналарини иситиш воситалари билан жиҳозланиши керак.

130. Ўғитлар ва пестицидлар омборхоналарида (юқори учувчан пестицидлар бўлимидан ташқари), бир соатда бир марта ҳаво алмашинувини таъминловчи табиий шамоллатишни назарда тутилади.

131. Лойиҳанинг технологияга оид қисмининг талабларига асосан пестицидлар учун омборхоналарда, хамда пестицидларни қадоқлаш ва қайта идишга жойлаш хоналарида авария ҳолати рўй берганида омборхонани тезлик билан шамоллатиш керак.

132. Метеорологик шароитларни ички ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракатланиш тезлигини омборхоналарнинг иситилиши ва шамоллатишини лойиҳалашда ушбу ШНҚнинг 3-жадвалига мувофиқ қабул қилиш лозим.

133. ШНҚ 2.01.19-22 га мувофиқ омборхоналарда ва улардаги ташиш йўлакларида ҳосил бўлган ёки ажралиб чиққан портловчи ва портлаб-ёнишга хавфли чанг ва моддаларни чиқариб ташлаш учун маҳаллий сўриш тизимларини лойиҳалаш лозим.

Шамоллатиш қурилмалари омбор биносининг ташқарисига жойлаштириш керак.

134. Шамоллатиш тизимида авария ҳолати юз берганда, хонада заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши рўй берганида, шамоллатиш тизимини механик усулида бошқариш қурилмаси орқали бажарилиши лозим.

135. Ифлосланган оқова сувларини йиғувчи резервуарга юборилиши, бунда кейинчалик уни ўғит сифатида ишлатиш ёки санитар хизмати томонидан рухсат берилган жойларига олиб бориш керак.

136. Иситиш асбобларини лойиҳалашда ҚМҚ 2.04.05-97 талабларига мувофиқ силлиқ юзали қўл етиши қийин бўлмаган, белгиланган жойга ўрнатиш (ва тирқишларсиз) лозим.

3-жадвал

Т/р	**Хоналарнинг номи**	**Йилнинг совуқ ва ўтиш даврларида хоналардаги шароитлар**		
		ҳавонинг ҳарорати ˚С	**нисбий намлик, фоиз юқори эмас**	**ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги, m/s, юқори эмас**
1.	Ўғитлар учун омборхоналар ва пестицидлар учун иситилмайдиган хоналар	нормаланмайди		0,3
2.	Пестицидлар учун омборхоналар	8 — 10	75	0,4
3.	Пестицидларни қадоқлаш ва қайта идишга жойлаш хоналари:			
	а) пестицидларни сақлаш вақти давомида	8 — 10	75	0,4
	б) пестицидларни қадоқлаш ва қайта идишга жойлаш ишлари вақти давомида	16 — 18	60	0,3
4.	пестицидлар сифатини текшириш учун тажрибахоналар	20 — 22	60	0,3

Изоҳ: Ушбу жадвалда келтирилган хоналардаги ҳавонинг ҳисобий кўрсаткичлари йилнинг илиқ даврига нисбатан татбиқ этилмайди.

9-боб. Электротехник қурилмалар

137. Электр қурилмалар ва уларни ўрнатиш ШНҚ 2.01.05-19 га мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

138. Ўғитлар ва пестицидлар омборларининг электр таъминоти ШНҚ 2.01.05-19 га мувофиқ учинчи тоифадаги ишончлилик бўйича ҳисобланиши лозим.

139. Чуқурсимон омборларни электр таъминоти ШНҚ 2.01.05-19 га мувофиқ қабул қилиш керак.

140. А, Б, В, тоифадаги омборхоналарда жойлашган барча электр қурилмаларини бинодан ташқарида ёнмайдиган деворда ёки алоҳида таянчдаги пломбаланувчи мосламали

металл шкафда ўрнатилувчи умумий тўхтатиш аппарати (рубильник) ёрдамида тўхтатиш лозим.

141. Ўғитлар ва пестицидлар учун омборхоналарнинг яшиндан ҳимояланиши Электр ускуналарининг тузилиши қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Омборлар яшиндан ҳимояланишнинг учинчи тоифасига мувофиқ бўлиши керак.

Пестицидлар ва ўғитларни сақлаш учун омбор биноларида ишончлилик даражасига кўра, автоматик ёнғиндан ҳимоя қилиш тизимларини электр таъминоти ШНҚ 2.01.05-19га мувофиқ I тоифадан кам бўлмаслиги керак.

142. Электр ёритгичларнинг ўчиргичлари ва шамоллатгичларнинг ишга туширгичларини омбор деворларининг ташқи томонида металл шкаф (қути)ларнинг ичида ўрнатилиши лозим.

143. Омборхона ишчиларнинг иш жойларида қўшимча электр ёритгичларни инобатга олиб лойиҳалаш зарур.

144. Юк платформаларида (рампаларида) темир йўл вагонларини ёритиш учун ШНҚ 2.01.05-19 га мувофиқ кўчма ёритгичларни ишга туширишда 42 W гача кучланишга мўлжалланган штепселли розеткалар лойиҳаланиши керак.

145. Ўғитлар омборларини ШНҚ 2.01.05-19 га мувофиқ ёритиш ва кучли электр симли кабеллар ёки темир қувур ичидан ўтказилган сим кўринишида лойиҳаланиши, бунда улар ўғитларни агрессив таъсиридан ҳимояланган бўлиши лозим.

146. Пестицидлар омборининг магистрал ёритиш ва шамоллатиш ускуналарини ШНҚ 2.01.05-19 га асосан омбор деворларининг ташқи томони бўйича металл қувурлар орқали ўтказиш лозим.

147. Электр қурилмаларини ШНҚ 2.04.17-19 га мувофиқ металл қисмлари ва ерга туташма ўтказгичлар ўғитлар ва пестицидлар билан ўзаро туташиб қолмаслиги зарур.

10-боб. Автоматлаштириш

148. Пестицидларни қадоқлаш ва қайта идишларга жойлаш хоналарда нисбий ҳарорат ва намлик ўғитларни технологияга мувофиқ таъминлаб туриш учун автоматлаштириш воситаларини ўрнатишга йўл қўйилади.

149. Зарарли моддалар даврий равишда ажралиб чиқувчи омборхоналарнинг ишчи зоналарининг ҳавосида йиғиладиган зарарли моддаларни автоматик тарзда назорат қилиш асбоб ускуналарини ва асосий шамоллатгич ишдан тўхтаб қолганда, авария пайтида шамоллатгични автоматик тарзда ишга туширувчи мосламани лойиҳалаш лозим.

150. ШНҚ 2.01.02-04 ва ШНҚ 2.09.21-22 ларга мувофиқ автоматик тарзда ўт ўчириш тизимлари ва ёнғинга оид сигнализация ишлаб кетганида шамоллатишнинг барча тизимлари автоматик тарзда ишлаб туришини инобатга олиб лойиҳаланиши керак.

151. Ўғитлардан ифлосланган машиналар, механизмлар ва ишлатилган асбоб ускуналарни, шунингдек тўкиладиган ва сочиладиган ўғитларнинг жойларини СанҚваН 1.2.2584-18, СанҚваН 0067-24 га мувофиқ махсус нейтраллаштирувчи реагентлар ёрдамида зарарсизлантирилиш жойлари бўлиши лозим.

Қайта ишланувчи маҳсулотлар канализация системасини махсус трубалар орқали тўпловчи (йиғувчи) резервуарларига юборилиши керак.

152. Транспорт воситаларини ювиш, шунингдек зарарсизлантириш ва технологик дасгоҳларнини (пуркайдиган, сепайдиган аралашмаларни (растворларни) тайёрловчи мобил агрегатлар) омбордаги ўғитлардан алоҳида сақланиши зарур.

153. Бинонинг ўзида агрохимикатлардан ифлосланган машиналар ва механизмларни ювишдан оқиб чиқаётган ифлосланган сувларни канализация системасини махсус қувурлар орқали алоҳида йиғувчи сиғим (резервуар)ларга юборилиши лозим.

154. Канализация тозалаш иншоотлари ер устида жойлашганда, сувни филтрловчи ускуналарни йиғувчи сиғим (резервуар)ларнинг ичига, улар чуқурликда жойлаштирилганда эса сув чиқариш жойида сувнинг ерга киришига йўл қўйилмаслик керак.

155. Бино ва иншоот ҳавосини тозалаш учун механик шамоллатишда, ифлосланган ҳаво атмосферага тарқалмаслиги учун СанҚваН 2.1.61032-18, СанҚваН 0067-24 ва ШНҚ 2.04.05-97 га мувофиқ лойиҳаланиши керак.

156. Омбор бўлинмаларида (уларни тўлдиришдан олдин), қабул қилиш ва жўнатиш жойларида ва йўлакларда ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситаларининг тўкилган жойларини қуруқ тозалаш, кейин еса механизациялашган воситалар ёрдамида чангни тозалашни таъминлаш инобатга олиб лойиҳаланиши керак.

157. Омборлардан ва газни қайта юклаш жойларидан атмосферага механик вентиляция тизимлари орқали чиқарилган, таркибида минерал ўғитлар ва кимёвий мелиорантларнинг чанг зарралари бўлган ҳаво меъёрларига мувофиқ тозаланиши инобатга олиб лойиҳаланиши керак.

158. Омборхоналар атрофларида яшил белбоғ ташкил этиб лойиҳаланиши лозим.

159. Бирлаштирилган (унификациялаштирилган) қаттиқ агрохимикатларнинг кўрсаткичлари мазкур ШНҚнинг 3-иловасида келтирилган.

ШНҚ 2.09.11-22 «Қуруқ маъданли ўғитлар ва ўсимликларнинг кимёвий ҳимоялаш воситалари омборлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Ўғитларни тахлаш талаблари

Т/р	Юкларнинг тури	Таъминлаш, жойлаш усули	Тахлаш усули	Тахлашнинг энг юқори баландлиги, m (қатлам)
1.	Портлаш ёниш хоссаларига эга ўғитлар (аммиакли селитра ва бошқалар) идишга жойланган	қоғоз ёки полиэтилен қоплар юмшоқ контейнерлар	ғарам ясси таглик устунли таглик жавонлар тахлам	1,8 m (8 — 10 қатлам) 2,0 m (2 қатлам) 4,4 m (4 қатлам) 5,5 m дан ортиқ эмас 2,0 m (2 қатлам)
2.	Портлаш-ёнишдан хавфсиз хоссаларга эга ўғитлар, идишга жойланган	қоғоз ёки полиэтилен қоплар контейнерлар	ғарам тахлам ясси таглик устунли таглик жавонлар ғарам тахлам	3,0 m (20 қатлам) 3,0 m (3қатлам) 4,4 m (4 қатлам) 11,8 m дан ортиқ эмас 3,0 m (2-3 қатлам)
3.	Портлаш-ёнишдан хавфсиз хоссаларга эга ўғитлар, идишга жойланмаган	сочма	бурт силос, бункер	20 m дан ортиқ эмас 20 m дан ортиқ эмас
4.	Кукун кўринишидаги ўғитлар	сочма	силос, бункер	20 m дан ортиқ эмас

Қаттиқ ёки юмшоқ контейнерларни жойлашда ғарам тахламдаги қатламлар сонини улардан фойдаланиш бўйича техник шартлар талабларига мувофиқ аниқлаш ва бажариш лозим.

Юмшоқ контейнерларни ғарам тахламини жойлашда қатламалар сони фойдаланиш бўйича техник шартлар талабларига мувофиқ келиши, бироқ мазкур иловада келтирилган миқдорлардан ошмаслиги керак.

Силос ва бункерларда тахлаш баландлигини техникавий-иқтисодий ҳисоблар асосида ва механизмларнинг берилган баландликка материалларни тик йўналишда узатиш имкониятларини инобатга олиб аниқлаш лозим.

Жавонлар ва тагликлар (поддон) қурилмаларини ёнмайдиган материаллардан лойиҳалаш керак.

ШНҚ 2.09.11-22 «Қуруқ маъданли ўғитлар ва ўсимликларнинг кимёвий ҳимоялаш воситалари омборлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
2-ИЛОВА

Пестицидларни тахлаш талаблари

Т/р	Идишнинг тури	Идиш бирлигининг сиғими, l (kg)	Тахлаш ва сақлаш усули, технологияга оид идиш	Қатламлар сони, дона
1.	Ёғоч барабан	20	ясси таглик	3
2.	Металл барабан	50	ясси таглик	3
3.	Металл барабан	50	устунли таглик	4
4.	Пўлат бочка	100 ва ортиқ	устунли таглик	3
5.	Қоғоз қоп	10,15,20	устунли таглик	4
6.	Ёғоч бочка	20	ясси таглик	3
7.	Қоғоз қоп	30	ясси таглик	3
8.	Пўлат канистра	20	ясси таглик	2
9.	Пўлат канистра	20	устунли таглик	4
10.	Ёғоч яшик	30	ясси таглик	3
11.	Картон қути	20	устунли таглик	4
12.	Шиша идиш (бутиль)	20	полда, ёғоч тагликлар билан	1
13.	Шиша идиш (бутиль)	20	жавоннинг биринчи қаватида	1
14.	Пўлат балон	30,50	устунли таглик	1

Жавонларнинг баландлиги ва ғарам тахламлар орасидаги автоқатнов йўлларининг (ўтиш йўлларининг) эни қабул қилинган автомеханизацияни ҳажм ўлчамларига мувофиқ келиши лозим.

Пестицидларни (поддон)тагликларсиз полда сақлашга йўл қўйилмайди.

Жавонлар токчаларида пестицидларни қопларга, қутиларга, халталарга, банкаларга, яшикларга ва сиғими 20 литргача канистрларга жойлаган холда сақлашга йўл қўйилади.

Жавонлар ва тагликлар қурилмалари ёнмайдиган материаллардан бажарилиши лозим.

ШНҚ 2.09.11-22 «Қуруқ маъданли ўғитлар ва ўсимликларнинг кимёвий ҳимоялаш воситалари омборлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА

Бирлаштирилган (унификациялаштирилган) қаттиқ агрохимикатларнинг кўрсаткичлари

Ўғитларни номи	Ҳажмий оғирлиги, kgf/m^3	Табиий қиялик бурчаги (ички ишқалаши бурчаги), градус	Ўғитларни ишқаланиш коэффициенти		
			металл	бетон	йўнилмаган ёғоч
Аммиакли селитра	840	25	0,3	0,5	0,4
Карбамид	650	35	0,2	0,4	0,9
Натрили селитра	1400	35	0,3	0,5	0,4
Азотли ўғитларни барча турлари (аммикли селитралар, карбамидли, натрили елитралардан ташқари)	1000	35	0,3	0,5	0,4
Фосфорит уни	1800	40	0,3	0,5	0,4
Мартенли ва апатитли концентратли фосфатли шлак	2000	40	0,3	0,5	0,4
Фосфорли ўғитларни барча турлари (фосфорит уни, мартенли ва апатитли концентратли фосфатли шлакдан ташқари)	1200	35	0,5	0,5	0,4
Калийли ўғитларни барча турлари	1400	35	0,3	0,5	0,3
Оҳактош ва доломит уни	1700	35	0,3	0,5	0,4

Турли хилдаги ўғитларни сақлаш учун мўлжалланган омборхона бинолари ва иншоотларини лойиҳалаштиришда, ноқулай шароитда бўлган ҳар бир ўғитларни хусусиятларини инобатга олиниши лозим.